



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH
DAVLAT QO'MITASI
NAVOIY VILOYATI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH
BOSHQARMASI**

210100 Navoiy sh, S.Ayniy ko'chasi 27-uy, tel: 79-220-61-65, faks: 79-220-61-69
elektron manzil: navoiy@uznature.uz, ekoekspert-navoiy @uznature.uz

**Давлат экологик экспертизаси
Х У Л О С А С И**

Жойлашган жойи: Кармана туман

Буюртмачи: "NAVOIY ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI" АЖ

ИНН 200850647

Тоифа: III тоифа ЎзРес ВМ №541 7.09.2020 й.

Ишлаб чиқувчи: "ECO PROM PROEKT" МЧЖ

Эксперт: А.Ахатов

Ташкилот: "NAVOIY ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI" АЖ

Рахбар: Қ.Фаниев

Навоий вилояти Кармана туман худудида “Навоий-4 ГТСдан (ПК 0,0дан ПК 8,9 гача) “NAVOIY IES” АЖга бўлган 8,9 км.ли 3-тармоқ ер ости газ қувурлари курилиши атроф мухитга таъсири тўғрисидаги ариза лойиҳаси.

Давлат экологик экспертиза марказига тақдим этилган атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза лойиҳасига кўра танланган ер майдонида 8,9 км.ли 3-тармоқ ер ости газ қувурлари курилиши режалаштирилмоқда.

Танланаётган ер майдони Навоий вилояти Кармана тумани Янги ариқ, Уйрот ва Дўрмон МФЙ худудидаги қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ерларда бўлиб, қуйидагича чегараланади: шимолдан – газ қувури билан, шарқ - газ қувури билан, жануб - очик майдон 300 метр масофада Тошкент Бухоро темир йўли билан, ғарбдан - Навоий-4 ГТС билан чегарадош.

“Навоий-4 ГТСдан (ПК 0,0дан ПК 8,9гача) “NAVOIY IES” АЖга бўлган 8,9км.ли 3-тармоқ ер ости газ қувурлари курилишидан мақсад, курилиши лойиҳалаштирилаётган 3 ва 4-Буг газ турбинли курилмаларини (паро-газотурбинной установки (ПГУ)) табиий газ билан таъминлашдан иборат.

Ер ости газ қувурлари курилиши учун Навоий вилояти Кармана туман Янги ариқ, Уйрот ва Дўрмон МФЙ худудидаги қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган 17,8 га яъни 178000,0 метр кв ер майдони ажратилиб, шундан, курилиш ишлари ажратилган майдон бўйлаб амалга оширилади.

Курилиш ишлари олиб бориладиган ер майдонидаги унумдор қатлам 0,3 метр чукурликда қазиб олиниб, қазиб олинган унумдор тупроқ вақтинча қурилишдан ҳоли жойда сакланади. Курилиш ишлари тугагандан сўнг тупроқнинг бир қисми ободонлаштириш мақсадида, бир қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган майдонларга чиқарилади.

Энг яқин аҳоли уй-жойлари шимол томонда 4500 метр узоқлиқда Маликрабод курғони жойлашган.

Ер ости газ қувурлари курилиши мулжалланаётган худудининг ер ости суви сатҳи 12-15 метрни ташкил этиб, муҳандислик тармокларидан чиқадиган сув ҳисобига кўтарилиши мумкин.

Ер ости газ қувурлари курилиши мулжалланаётган худуднинг ер майдони «кумлок» тупроқ турига мансуб бўлиб, илгари курилиш ишлари олиб борилмаган.

Ер ости газ қувурлари курилиши мулжалланаётган ер майдони жойига бориб кўрилганда дараҳтлар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ер ости газ қувурлари курилиши лойиҳа хужжатларига асосан қуйидаги тартибда олиб борилади:

“Навоий-4 ГТС” нинг мавжуд Дш-720 мм жўмрагидан уланади ва уланиш нуқтасида маҳсус газ ҳисоблагич ўрнатилиб, Дш-1020 мм металл қувурлар орқали 8,9 км масофага (ПК 8,9) гача тортиб келинади.

ПК 8,9 нуқтадан лойиҳалаштирилаётган газ қувурига уланиб “NAVOIY IES” АЖ худудигача тортиб олиб борилади.

Ер ости газ қувурларининг асосий техник таснifi: газ қувури диаметри - 1020 мм, қувур девори қалинлиги -10 мм, босими - 12 кгс/сметр кв, узунлиги - 8900 м, газ қувурига ўрнатилаётган - жўмраклар сони ва шартли диаметри - 1 та Дш-720 мм, 1 та Дш-1020 мм, газ қувурининг газ етказиб бериш қуввати - 240 минг. Метр ку/соат.

Ётқизилаётган газ қувурлари ер остидан траншея қазилиб, 0,8 метр чукурликдан диаметри 1020x10мм бўлган металл қувурлар ётқизилади ва қувурларнинг ҳар бирининг узунлиги 10 метрни ташкил этади. Қувурларни бир бирига улашда электрёйли пайвандаш жиҳозларидан фойдаланилади.

Ётқизилаётган газ қувури ПК 8,8 ПК 8,9 нуқталари оралиғида Навоий -2 ГТСдан “NAVOIY IES” АЖга борувчи 720мм газ қувури билан кесишади.

Газ қувурлари кесишган жойида Навоий -2 ГТСдан “NAVOIY IES” АЖга борувчи 720 мм газ қувури остидан ўтказилади.

Лойиха бўйича ишлар 120 кун давом этади.

Газ қувурлари қурилиши ва тармоқ ишга тушгандан кейинги иш фаолияти давомида атмосфера ҳавосига 3 та яъни 2 та вактинчалик ва 1 та доимий салбий таъсир кўрсатувчи манбалар мавжуд бўлиб, улардан атмосфера ҳавосига 8 турдаги 264,54118 тонна/йил миқдорида ифлослантирувчи моддалар ҳосил бўлади.

Атмосфера ҳавосига 3 та яъни 2 та вактинчалик ва 1 та доимий салбий таъсир кўрсатувчи манбалар мавжуд бўлиб, улардан атмосфера ҳавосига 8 турдаги 264,54118 тонна/йил миқдорида ифлослантирувчи моддалар чиқарилади. Улардан метан - 252,8862 т/йил, метана ва этиленнинг йифинди - 9,2559 т/йил, пропан ва пропиленнинг йифинди - 1,7592 т/йил, бутан - 0,4601 т/йил, пентан - 0,1353 т/йил, одорант СПМ (смесь природных меркаптанов) - 0,0433 т/йил, темир оксида - 0,00101 т/йил, марганец оксида - 0,00017 т/йил ҳисобланади.

Курилиш ишлари олиб борилаётган ишчи ходимлардан 0,10 тонна чиқинди ҳосил бўлади ҳамда туман чиқиндиҳонасиға чиқарилади.

“УЗТРАНСГАЗ” АҚ нинг маълумотига асосан газ қувурларининг ички қисмини тозалаш жараёнида 0,25 тонна/йил миқдорида шлам ҳосил бўлади ва вактинчалик маҳсус идишда сақланиб, “Барно хусусий корхонаси билан тузилган 05.02.2021 йилдаги 5/083-сонли шартномага асосан, чиқиндиҳонага жойлаштирилади.

Қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш бўйича “Stimul-Navoiy” МЧЖ билан 17.03.2021 йилда 212-сонли шартнома имзоланган.

Ичимлик суви ишчи ходимлар учун 18,0 метр куб/йил миқдорида ташиб келтирилади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосида тарқалишини ҳисоблашда универсал «Радуга» дастури орқали амалга оширилган.

Олинган дастлабки ҳисоблаш натижаларига кўра, чиқарилма манбаларнинг атмосфера ҳавосига, ифлослантирувчи моддаларнинг концентрацияси ҳудуд чегараси ер юзаси қатламидаги максималл улушлари белгиланган квотадан ошмаганлиги аниқланди.

Ҳосил қилинган оқовалар кам миқдорда ва зарарсиз бўлганилиги сабабли, ободонлаштириш ерларини суғоришга ишлатилади.

Иш фаолияти давомида 0,10 т/йил миқдорида майший-хўжалик чиқиндилари ҳосил бўлади.

Лойихада ҳосил бўладиган майший-хўжалик чиқиндиларини жойлаштириш учун коммунал хўжалиги билан шартнома тузилиши, иккиламчи ҳом ашё қабул қилиш шаҳобчаларига топширилиши, техника ва ёнгин хавфсизлиги чоралари кўрилиши келгусида қилинадиган тадбирлар сифатида кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли қарорига мувофиқ, ушбу фаолият тури III тоифага кирувчи корхоналар рўйхатига киради. Қарорнинг 47-бандига мувофиқ, Давлат экологик экспертизаси томонидан берилган пайтдан бошлаб уч йил давомида амалга оширилмаса, ушбу хulosса юридик кучга эга бўлмайди. Ушбу ҳолда давлат экологик экспертизаси хulosаси илгари бундай хulosани берган Давлат экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан қайта кўриб чиқилади.

Навоий вилояти Кармана туман худудида “Навоий-4 ГТСдан (ПК 0,0дан ПК 8,9 гача) “NAVOIY IES” АЖга бўлган 8,9 км.ли 3-тармоқ ер ости газ қувурлари қурилиши атроф мухитга таъсири тўғрисидаги баёнот лойихасига ижобий хulosса беради.

Мазкур лойихани рўёбга чиқариш тўғрисидаги Давлат экологик экспертиза марказининг хulosаси қонунчиликда ўрнатилган, олиниши зарур бўлган руҳсат берувчи хужжатларнинг ўрнини босмайди ва бекор қилмайди.

“Навоий-4 ГТСдан (ПК 0,0дан ПК 8,9 гача) “NAVOIY IES” АЖга бўлган 8,9 км.ли 3-тармоқ ер ости газ қувурлари тортимиши ишлари кисқа муддат мобайнода бажарилиши ва турғун ифлослантирувчи манбалар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, атроф мухитга таъсирини баҳолаш лойихасини навбатдаги босқичи “Экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза” лойихасини ишлаб чиқиши талаб этилмайди.

Кармана туман экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Ф.Ниязовга экологик хulosада кўрсатилган қўйидаги талаб ва тадбирларни бажарилишини:

- тупроқнинг унумдор катлами қазиб олинишини;
- газ қувурларини тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган шлам ва қаттиқ майший чиқиндиларни тегишли жойларга жойлаштирилишини;
- ер ости газ қувурлари қурилиб, тармоқ ишга тушгандан кейин қурилиш ишлари олиб борилган ер майдонини рекултивация қилиш яъни ободонлаштириш ишларини назоратга олиш юклатилади.

Баж: А.Ахатов

тел: 79 220 61 81

Хулоса рақами 312/2021

Хулоса санаси 27.04.2021

Текшириш учун

